

VATANPARVAR



QR-кодни
телефон орқали
сканер қилинг.



6-7

2019 йил 27 сентябрь, №39 (2842)

МУСТАҲКАМЛАНАЁТГАН ДЎСТЛИК

ЎЗБЕКИСТОН – ҲИНДИСТОН: ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА МАСЛАҲАТЛАШУВ

Тошкентда 24 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати ва Ҳиндистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши ўртасида маслаҳатлашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В. Махмудов ва Ҳиндистон Бош вазири маслаҳатчисининг миллий хавфсизлик бўйича ўринбосари П. Саран раислигида ўтган мажлисда кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли стратегик шериклик юқори даражага кўтарилгани алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модининг саъй-ҳаракатлари билан мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ҳар томон-

лама чуқурлаштириш учун мустаҳкам пойдевор қўйилди. Бу ҳар икки томонга халқаро миқёсдаги умумий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашишда яқиндан ҳамкорлик қилиш имконини бермоқда.

Мулоқотда томонлар минтақавий хавфсизликка нисбатан халқаро терроризм ва экстремизм, сепаратизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмаси ва бошқа хатарлар натижасида юзага келаётган, борган сари ўсиб бораётган таҳдидларга қарши биргаликда ҳаракатланиш бўйича икки ва кўп томонлама ҳамкорликни

кенгайтириш тарафдори эканини тасдиқлади.

Маслаҳатлашувнинг Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари минтақавий хавфсизлиги, тинчлиги, барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида қайд этилди.

Тадбирда ахборот хавфсизлиги, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, гиёҳванд моддалар ноқонуний айланмаси ва одам савдоси соҳасидаги трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши биргаликда курашишнинг амалий механизмларини такомиллаштириш, Афғонистонда юзага келган вазиятдан келиб чиқиб, Марказий ва Жанубий Осиёда хавфсизликни таъминлаш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон

ўртасида хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди. Ўзаро муносабатларни ривожлантиришда эришилган юқори суръатни сақлаш ва фойдаланилмаган имкониятлар ҳисобига ҳамкорликни янада жадаллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати ва Ҳиндистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши ўртасида хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни назарда тутувчи икки томонлама маслаҳатлашув протоколи имзоланди.

Ғ. ХОННАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

МУҲОКАМА**Регби спортини ривожлантириш бўйича****«Йўл харитаси» ишлаб чиқилади**

Жорий йилнинг 4 сентябрь кунини Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида 2020 йилда Япониянинг Токио шаҳрида бўлиб ўтайдиган Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўриш, оммавий спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш бўйича олиб борилган ишлар натижадорлиги ва бу борада амалга ошириладиган долзарб вазифаларга бағишланган видеоселектор бўлиб ўтган эди.

Ушбу йиғилишда қатор вазирлик ва идоралар қатори Мудофаа вазирлигига ҳам бир нечта топшириқлар берилди.

Видеоселекторда давлатимиз раҳбари томонидан берилган топшириқларни бажариш мақсадида Регби федерацияси вице-президенти этиб сайланган мудофаа вазирининг ўринбосари генерал-майор Азизбек Икрамов регби спортини ривожлантириш, ҳам эркаклар, ҳам аёллар терма жамоалари учун Париж Олимпиадасига йўлланма олиш масалаларига бағишланган йиғилишда иштирок этиб, масъул ва мутахассислар билан муҳокама олиб борди.



Унда мавжуд имкониятлар ва бажарилиши лозим бўлган муҳим чора-тадбирлар кўриб чиқилди. Спорт майдонларининг умумий аҳволи ва моддий техник база ўрганилди. Муҳокама якунида «Йўл харитаси» ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга

татбиқ этиш бўйича келишиб олинди.

Эслатиб ўтамыз, генерал-майор Азизбек Икрамов бир вақтнинг ўзида мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари ҳамдир.

И. НУРАЛИЕВ**ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР АКАДЕМИЯСИДА****ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯ ИШТИРОКИДА ОЧИҚ ДАРС**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 23 август кунини таълим соҳасини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида кўтарилган мавзулардан келиб чиққан ҳолда ҳарбий таълим йўналишида ҳам қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида ҳарбий таълим тизимини янада такомиллаштириш дастури асосида чет эллик делегация вакиллари, таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ва курсантлар иштирокида очик дарс ўтказилди.

АҚШ элчихонаси, Жорж Маршалл номидаги Европа хавфсизлик масалаларини ўрганиш маркази ҳамда АҚШ Қуролли Кучларидан ташриф буюрган меҳмонлар академиянинг тиллар кафедраси фаолияти, ўқув-моддий база, ахборот-ресурс маркази, мавзувий аудиториялар ва ўқитувчилар хоналари билан танишди. Тиллар кафедраси бошлиғи полковник Азизжон Тоиров очик дарс давомида ҳарбий таълим тизимида амалга ошириладиган замонавий дастурларни намойиш этиш билан бир қаторда делегация вакиллари кизиқтирган саволларга жавоб берди.

Очик дарснинг иккинчи қисмида академия курсантлари инглиз тили ўқитувчиси Дилдора Насриддинова билан биргаликда ўз билим ва кўникмаларини йиғилганлар эътиборига намойиш қилдилар. Дарснинг тўлиқ инглиз тилида ва замонавий техника воситалари ёрдамида олиб борилиши хорижлик делегация вакилларида илиқ таассурот қолдирди. АҚШ элчихонаси, Жорж Маршалл номидаги Европа хавфсизлик масалаларини ўрганиш маркази ҳамда АҚШ Қуролли Кучлари масъул ходимлари ҳам ўз навбатида халқаро ҳарбий ҳамкорликни ривожлантириш дастури асосида янгича дастурлари билан академия ўқитувчилари ва курсантларига тақдимот ўтказишди.

Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти

**mudofaa.uz сайти
янгиликлари****Разведкачилар беллашмоқда**

Жиззах вилоятида жойлашган «Фориш» тоғ дала-ўқув майдонида Мудофаа вазирлиги кўшинлари разведка бўлинмалари ўртасидаги «Разведка рейди» мусобақаси якуний босқичининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда ҳарбий округлар ҳамда олий ҳарбий таълим муассасаларидан жами 11 та жамоа иштирок этмоқда.



Айни кунгача бўлган беллашуларда ҳарбий хизматчилар 7,5 километрлик масофага оғирлиги 35 килограммга яқин бўлган юк қопи билан марш юриш ва ҳаракатланиш давомида миналаштирилган йўлаклардан беталафот ўтиш, жангда яраланган ҳарбий хизматчига биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш ва уни бир ярим километр масофага эвакуация қилиш синовларидан ўтди. Шунингдек, 3 километр узокликдаги жойлашув ҳудудига етиб бориш, у ерда кўриқлов ўрнатиш ва гуруҳ шахсий таркибига вақтинчалик яшаш жойини ҳозирлаш, дала шароитидан келиб чиққан ҳолда зарур шароитлар яратиш сингари шартлар ҳам орта қолди.

Жамоаларнинг ҳар бир ҳаракати Мудофаа вазирлиги масъул офицерларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳолисона баҳолаб борилмоқда. Олдинда ҳали иштирокчилар белгиланган ҳудудда разведка ишларини олиб бориш, шартли душманнинг объектини яқсон қилиш, сувли тўсиқлардан ўтиш, азимут бўйича 10 километр масофага ҳаракатланиш, 3 километр масофага югуриш, кимёвий зарарланган ҳудудлардан ҳимояланиш, руҳий йўлаклар тўсиғидан ўтиш ва мутахассислик бўйича қатор меъёрларни бажарадилар.

Кўргазмали машғулот

Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий авиация билим юртида Қашқадарё вилояти мудофаа ишлар бошқармаси ва вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда умумтаълим мактабларининг қақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиларининг касбий малакасини оширишга қаратилган кўргазмали амалий машғулот ўтказилди.



Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёнида қақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитилиши самарадорлигини ошириш, раҳбарлар ва ўқитувчиларнинг малакасини мустаҳкамлаш, услубий маҳоратни такомиллаштириш бўйича тўпланган тажрибаларни ўзаро ўртоқлашиш масалаларига бағишланган машғулот юқори савияда ўтди.

Иштирокчиларга жисмоний тайёргарлик жараёнида тўсиқлардан ўтиш, отиш тайёргарлиги, саф тайёргарлиги, оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва ҳарбий топография йўналишларида амалий машғулотларни ташкил этиш усул ва услублари юзасидан назарий ва амалий билимлар етказилди.

Ота-оналарга юксак эҳтиром

Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш кўшинлари қўмондонлигининг Бухоро вилоятида жойлашган ҳарбий қисмларидан бирида ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари билан учрашув ташкил этилди. «Ҳарбий қисмда бир кун» шиори остида ўтказилган ушбу тадбирда 50 дан ортиқ ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари иштирок этди.



Ҳарбий хизматчилар ота-оналарини гуллар ва совғалар билан кутиб олди. Фарзандлари томонидан бундай юксак ҳурмат ва эҳтиром билан қарши олинган ота-оналарнинг қалблари ғурурга тўлиб, беихтиёр кўзларига қувонч ёшлари келди. Улар фарзандларининг хизмат жойлари, ҳарбий қисмда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Дилдан сўхбат қурилди.

Ҳарбий қисмдаги учрашув якунига етгач, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг ота-оналари Бухоро шаҳри бўйлаб саёҳат қилишди.

Вакилимиз – Осиё чемпиони

Ҳиндистоннинг Нью-Дехли шаҳрида 12 – 15 сентябрь кунлари самбо бўйича катталар, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида қитъамизнинг 22 та давлатидан иштирок этган самбочилар ичида 70 кг вазн тоифасида Урганч «Темурбеклар мактаби» ҳарбий академик лицейи ўқувчиси Аслбек Хўжабоев шохсупанинг юқори поғонасини забт этиб, Осиё чемпиони номига сазовор бўлди.



БУГУНИМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

«НИМА ЧИЗСАМ, ТАНККА ЎХШАБ ҚОЛАВЕРАРДИ»

Марокли суҳбат. Бунга кўпчилик интиқ. Охир-оқибат бошни оғритадиган гаплашишдан фарқли равишда унинг якуни энгиллик, руҳий тетиклик. Подполковник Дилшоджон Акбаров билан суҳбатимиз қисқа бўлса-да, мен учун марокли бўлди. Фидойи кишиларнинг фикр-мулоҳазалари ана шундай таъсир кучига эга.

– **Ўқувчиларимизга ўзингизни қисқача таништирсангиз.**

– Андижон вилоятида, ишчи оиласида туғилганман. 1998 йилда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртини тамомладим. Техник таъминот бўлинмаларида турли лавозимларда хизмат қилдим. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази техник тайёргарлик цикли катта ўқитувчисиман.

– **Ҳарбий бўлишни орзу қиладиган ёшлар орасида**

учувчи, десантчи ёки махсус бўлинмалар вакили бўлишни хоҳловчиларни кўп учратамиз. Аммо сиз айнан танкчи бўлман, дебсиз...

– Ёшлигимдан техникага қизиқаман. Қўшнимизнинг трактори – энг севимли «ўйинчоғим» бўлган. Ўша пайтлардан танкчиларга ҳавас қилардим. Нима чизсам, танкка ўхшаб қолаверарди. Ўзим хоҳлаган билим юртига ўқишга кирганимда шу қадар бахтиёр эдимки... Ўқишнинг илк давларида йўналишимни ўзгартиришни таклиф қилишганларида бир сония бўлса-да иккиланмаганман. Ахир орзум сари йўл олдим-ку, деб. Офицер бўлгач, ота-онам мени «тулпорим» олдида кўрганида ҳам беҳад шод эдим. Сабаби, касбимдан фахрланаман.

– **Техника товушидан унинг русумини аниқлай оласизми?**

– Албатта. Армиямизда мав-



жуд деярли барча зирҳли техникаларни бошқара олиш баробарида уларнинг техник имкониятларини ҳам яхши биламан.

– **Шахсий автоуловингиз бўлса керак. Қайси бирини ҳайдаш мароклироқ: танк ё энгил машина?**

– Шубҳасиз танк. 42 тоннали техникани бошқариш мазасини фақат шу ишни қилгангина туюлади.

– **Ўқитувчиликни кимдир тавсия қилганми ёки бу ўз хоҳишингиз?**

– Ўзим шунга қарор қилдим. Ўз тажрибаларим, билимим билан бўлишим, ҳарбий хиз-

матчиларда техникага бўлган меҳрни мустаҳкамлагим келди.

– **Ҳарбий хизмат қаттиққўлликни талаб қилади. Нима деб ўйлайсиз, шогирдларингизга ҳаддан зиёд қаттиққўллик қилиб юбормайсизми?**

– Қаҳри қаттиқлик билан қаттиққўлликнинг фарқи бораман. Таълим жараёнида турли усуллар, шу жумладан, қатъийлик ҳам зарур бўлади. Шогирдларимнинг мен ҳақимда салбий фикр билдирганларини эшитмаганман.

– **Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинган фармонда давлат мукофоти – «Шухрат» медали соҳиблари қаторида сиз ҳам борсиз. Подполковник Акбаровга ташқаридан назар ташлаб, холис айтинг-чи, у кишига медаль нима учун берилди?**

– Қизиқ савол. Жавобим олтидан бир илтимос, гапларимни нокамтарликка йўйманг. Менимча, ўз касбига фидойилиги ва садоқати учун. Чин кўнгилдан қилинадиган ишлар бемар кетмаслигига ишонгани учун. Ажойиб жамоада хизмат қилаётгани ва Ватанини севгани учун...

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли Қуролли Кучлар Кичик мутахассисларни тайёрлаш марказида навбатдаги битирувга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Битирувчиларга навбатдаги ҳарбий унвон, сертификат ва кўкрак нишонлари топширилди.

Тадбирда Мудофаа вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси бошлиғи полковник Фарҳод Шерматов, Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник Айбек Саидов, «Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳасан Нормуродов, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Қуролли Кучлар фахрийлари, ота-оналар, фаол ёшлар ҳамда марказ шахсий таркиби иштирок этди.

2018 йилда ўз фаолиятини бошлаган марказда Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати ва Миллий гвардия кичик командирлар бўғинидаги шартнома бўйича



ҳарбий хизматчи, оддий аскар ва сержантлар таркиби ўқитилади, қайта тайёрланади ва малакаси оширилади. Мутахассислик бўйича тайёргарлик ва коман-

дирлар тайёрлаш курсларининг давомийлиги 3 ой бўлиб, таълим 6 босқичда, 20 дан ортиқ мутахассисликлар бўйича амалга оширилади.

Тадбир давомида актёрлар ижросида тарихий шахсларнинг чиқишлари, ҳарбий хизматчиларнинг кўргазмалари ва концерт дастури намойиш қилинди.

Саҳифани подполковник Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ тайёрлади.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning toʻliq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/4189> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/4189> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4189>